ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН КРЕДИТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Д.Д. Каримов
Иқтисодиёт магистри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сонли “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида банк тизимида ислоҳотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш «Ўзбекистон - 2030» стратегиясининг устувор мақсадларидан бири сифатида эътироф этилган[1]. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Мадрид Қироллик академиясининг профессори У.Сото амалга оширан илмий тадқиқоти натижасида тижорат банклари инвестицион кредитларининг самарадорлиги бевосита ушбу кредитларнинг фоиз ставкасига боғлиқ ва тижорат банклари томонидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг ўзини оқламаслиги инвестицион кредитларни ихтиёрий жамғармалар билан таъминланмаганлиги оқибатидир, деган хулосага келди[2].

Г.Панова ўзининг монографик тадқиқотига асосланган ҳолда, тижорат банкларининг кредитлаш салоҳияти бевосита улар депозит базасининг етарлилигига боғлиқ, деган хулосага келди[3]. У депозит базанинг етарлилиги деганда муддатли ва жамғарма депозитларини назарда тутган.

О.Лаврушиннинг хулосасига кўра, кредит линияси доирасида йириклаштирилган объект бўйича узоқ муддатли кредитлашнинг йирик корхоналар учун қуйидаги афзалликлари мавжуд:

*фақат юридик шахсларга берилади;

*банкнинг мижозлари бўлиб фақат йирик корхоналар ҳисобланади;

*кредит олувчилар бўлиб доимий равишда қисқа муддатли ресурсларга эҳтиёжи бўлган корхоналар ҳисобланади;

*ушбу кредитни олувчиларнинг асосий ҳисобрақами кредит бераётган банкда бўлади;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сонли Фармони. Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.02.2026 й., 06/26/21/0145-сон; 30.03.2026 й., 06/26/46/0290-сон.

[2] Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 666 с.

[3] Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – С. 194.

*кредит фақат молиявий жиҳатдан ишончли бўлган мижозларга берилади[4].

М.Матовниковнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган асосий омил бўлиб, банкларда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал этишнинг оддий ва реал усули бўлиб, ликвидли активларни гаровга қўйган ҳолда Марказий банкдан кредит олиш ҳисобланади[5].

Т.Бобакуловнинг хулосасига кўра, “монетизация коэффициентининг паст эканлиги иқтисодиётда ўзаро тўловсизлик муаммосини чуқурлаштиради, хужалик юритувчи субъектларнинг пул оқимини заифлаштиради, тўлов қобилиятини рағбатлантиришга тўсқинлик қилади ва пулнинг айланиш тезлиги нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради”[6].

Ж. Мажидовнинг хулосасига кўра, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги импортнинг қимматлашишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ва маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши юз берди. Натижада, уларнинг тўловга қобиллик даражаси пасайди[7].

Таҳлиллар кўрсатдики:

- республикамиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг суммаси 2023-2025 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган;

- республикаиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида узоқ муддатли инвестицион кредитларнинг улуши 2025 йилда 2023 йилга нисбатан 1,0 фоизли пунктга ошган, қисқа муддатли кредитларнинг улуши 1,0 фоизли пунктга пасайган.

[4] Лаврушин О.И. Краткосрочное кредитование по укрупненному объекту в пределах кредитной линии. Банковское дело. Под ред. проф. О. Лаврушина. – М.:КНОРУС, 2016. – С. 430.

[5] Матовников М.Ю. Банковская система России и долгосрочные ресурсы//Деньги и кредит. – Москва, 2013. - №5. - С. 19.

[6] Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. учун тақ. эт. дисс. – Тошкент, 2008. – Б.74-75.

[7] Мажидов Ж.К. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш йўллари. И.ф.б. ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 22.